ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5141000 – 4.01

2016 йил "9" 01

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

_____

2016 йил "9" 01

ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	140000	- Табиий фанлар
Таълим йўналиши:	5141000	- Тупроқшунослик

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил "22" 01 даги "26"-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдикланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи Кенгашининг 2016 йил "9" 01 даги 1 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:
Ахмедов Ш.М. - Тупроқшунослик ва агрокимё кафедраси доценти в.б. , б.ф.н.

Такризчилар:
Махсудов Х.М. - ТошДАУ Агрокимё ва тупроқшунослик кафедрасининг профессори, б.ф.д.

Турсунов Х.Х. - Тупроқшунослик ва агрокимё кафедраси профессори , к-х..ф.д.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил "21" 11 даги 3 - сонли баённома).

Кириш

Ушбу ўқув дастури "Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" фанининг мақсади ва вазифалари, илмий асослари, ривожланиш тарихи, асосий бўлимлари; бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; фаннинг қишлоқ хўжалик ва экологик муаммоларни ечишдаги ўрни; "Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" фанини тупроқшунос мутахассис тайёрлашдаги ўрни каби масалаларни қамрайди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

"Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" ихтисослик фанини ўқитишдан мақсад талабаларга Республикамизда тарқалган асосий тупроқ типлари, типчалари ва генезиси, географияси, эволюцияси, уларнинг хосса хусусиятлари ҳамда кучли антропоген омиллар таъсирида натижасида уларнинг ўзгаришлари, унумдорлигини бошқариш тўғрисида ҳозирги замон таълимотини беришдир. Бунинг учун қуйидаги вазифалар бажарилади: Ўзбекистонда тарқалган асосий тупроқ типлари, геологияси, геоморфологияси, тупроқ хосил қилувчи она жинслари, тупроклар систематикаси ва диагностикаси, горизонтал ва вертикал минтақа тупроқларининг хосса хусусиятлари билан замонавий педагогик технологиялар асосида таништирилади.

Фан бўйича билим, кўникма ва малакага қўйиладиган талаблар

"Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" ихтисослик фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган ишлар доирасида бакалавр:

"Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" фанининг мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги, Ўзбекистон ҳудудида тарқалган асосий тупроқ типларининг диагностикаси ва таснифига оид маълумотларни янгилаш муаммолари, асосий қишлоқ хўжалиги экинлари билан банд бўлган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ва экологик ҳолатини баҳолаш, Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси махсус курсининг мазмуни вазифаси ва услублари, тупроқ ва қишлоқ хўжалигини ривожланиш муаммолари, фермерчилик ҳаракатининг ривожланиши билан тупроқга бўлган муносабатнинг ўзгариши, Ўзбекистон республикасининг табиий тарихий шароитлари. жуғрофик жойланиши, геоморфологияси ва рельефи, тупроқ ҳосил қилувчи она жинслари, гидрогеологияси ва гидрологияси, иқлими, ўсимликлари, хайвонот дунёси, одамнинг фаолияти, суғорилиш, деҳқончилик тарихи, тупроклар систематикаси, диагностикаси ва таснифи, олдинги йилларда тавсия қилинган тупроклар систематикаси, диагностикаси ва таснифини мухокама қилиш, кейинги йилларда олинган маълумотларни қиёсий таққослаш, чўл минтақасининг асосий автоморф тупроклари, чўл минтақасининг суғориладиган тупроклари, чўл минтақасининг ярим гидроморф ва гидроморф тупроклари, шўрхоклар келиб чиқишига таъсир қилувчи табиий омиллар, тоғ олди дашт минтақасининг тупроклари, бўз тупроклар, оч тусли, типик, тўқ тусли бўз тупроқларни ривожланиши, бўз тупроклар минтақасининг ярим гидроморф ва гидроморф тупроқларига оид билимлар, вертикал зоналликнинг

асосий хусусиятлари, систематикаси, диагностикаси ва таснифи, тоғ тупроқларининг географияси, генезиси, морфологияси, ҳар хил тупроқ типларига хос бўлган генетик, морфологик тузилишлари, ҳар хил тупроқ типлари учун хос бўлган хусусиятлар, уларни таснифи, умумий физик, сув-физик, ҳаво, иссиқлик хоссалари **хакида илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларга эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошка фанлар билан ўзаро боғликлиги ва услубий жихатдан узвийлиги

"Ўзбекистон тупроқлари ва уларнинг эволюцияси" фани асосий ихтисослик фанлардан бўлиб, 7-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга оширишда талабалар ўқув режасидаги тупроқшуносликка кириш, кимё, информатика ва ахборот технологиялари, тупроқшунослик, тупрок биологияси ва бошка фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ўзбекистон республикасининг иқтисодий салоҳиятини белгилайдиган йўналиш қишлоқ хўжалиги ва ер ости бойликларидан иборатдир. Қишлоқ хўжалигида барча етиштириладиган озик-овқат ва кийим-кечак махсулотлари, табиий ва суғорма дехкончиликда фойдаланиладиган технологиялар асосида тупроқларда амалга оширилади. Шу боисдан ушбу фан асосий ихтисослик фанларидан бири хисобланиб, ишлаб чиқариш технологик тизимида асосий ўринни эгаллайди.

Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педогогик технологиялар

Талабаларнинг "Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион – педогогик технологияларни тадбиқ қилиш мухим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар хамда тупрок монолитларидан фойдаланилади. Фаннинг ўқитиш турлари дастурда кўрсатилган мавзулар, маъруза, амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Шунингдек, атрофлича билим олишни таъминлаш мақсадида талабаларга мустакил иш мавзулари ҳам берилади. Фан педагогик услублар – кластер, бумеранг, дебошлар тарзида ўтиш ҳам кўзда тутилган. Ўқув машғулоти кўргазмали ўқув қуроллари кодоскоп, мультимедия, микросхемалар, диаграммалар ва чизмалар ёрдамида олиб борилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Кириш

"Ўзбекистон тупроқлари ва уларнинг эволюцияси" ихтисослик фанининг мазмуни, вазифаси ва услублари. Ўзбекистонда тупрок ва қишлоқ хўжалигини

ривожланиш муаммолари. Фермерчилик харакатининг ривожланиши билан тупрокка бўлган муносабатнинг ўзгариши.

Ўзбекистон Республикасининг табиий тарихий шароитлари

Жуғрофик жойланиши. Геоморфологияси ва релъефи, тупрок хосил килувчи она жинслари. Гидрогеологияси ва гидрологияси. Иқлими. Ўсимликлари, хайвонот дунёси. Одамнинг фаолияти ва суғориш деҳкончилик тарихи.

Ўзбекистон тупроклари. Тупроклар систематикаси, диагностикаси ва таснифи

Олдинги йилларда тавсия килинган тупроклар систематикаси, диагностикаси ва таснифини мухокама килиш, кейинги йилларда олинган маълумотларни киёсий таккослаш, Ўзбекистон тупроклари таснифини МДҲ мамлакатлари тупроклари билан солиштириш хамда халкаро таснифда уни ўрнини белгилаш.

Чўл минтақасининг асосий автоморф тупроклари

Сур тусли кўнғир тупроклар, такирлар, шўрхоклар, уларнинг эволюцияси. Чўл минтакасининг суғориладиган тупроклари: суғориладиган такирсимон тупроклар, суғориладиган сур тусли кунғир тупроклар, кадимдан суғориладиган (воха) чўл тупроклари эволюцияси. Бу тупрокларнинг хосил бўлишидаги табиий-тарихий омилларни тавсифлаш, бу тупрок типларидан кишлок хўжалигида кенг фойдаланиш йўлларини кўрсатиш.

Чўл минтақасининг ярим гидроморф ва гидроморф тупроклари

Такирли ўтлоки, ўтлоки боткок, тўкай тупроклар, уларнинг келиб чикишидаги табиий омилларни тавсифлаш, фойдаланиш йўлларини ишлаб чикиш.

Шўрхоклар

Келиб чикишига таъсир килувчи табиий омилларни кўрсатиш ва бу тупроклардан фойдаланишнинг агромелиоратив, агротехник муаммоларини ечимини кўрсатиш.

Тоғ олди дашт минтақасининг тупроклари

Бўз тупроклар, оч тусли, типик, тўк тусли бўз тупроклар эволюцияси. Бўз тупроклар минтакасининг ярим гидроморф ва гидроморф тупроклари: бўз-ўтлоки, ўтлоки, ўтлоки-шўрхок, тўкай тупроклари эволюцияси.

Бўз тупроклар минтақасининг суғориладиган тупроклари

Оч тусли, типик, тук тусли ва ўтлоки аллювиал тупрокларнинг эволюцияси, уларга таъсир килувчи табиий ва антропоген омилларни тавсифлаш. Хозирги сахроланиш жараёнида суғориладиган тупрокларнинг деградацияси, чириндисини камайиши, эрозия жараёнига учраши хамда кайта

шўрланишини олдини олиш бўйича қўлланиладиган агротехник ва агромелиоратив тадбирларни тавсифини бериш.

Ўзбекистон Республикасининг тоғ тупроқлари

Табиий шароитлари, вертикал зоналликнинг асосий хусусиятлари, систематикаси, диагностикаси ва таснифи. Тоғ тупроқларининг географияси, генезиси, морфологияси, хоссалари ва фойдаланиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар

Фан бўйича олиб бориладиган амалий машғулотлар маъруза мавзулари асосида тузилган бўлиб, ўтиладиган фанни ҳар томонлама ўзлаштиришга ёрдам беради. Амалий машғулот дарсларида талаба берилган мавзуларни мустақил кўрсатмалар асосида бажаради. Бунда фаннинг бўлимлари алоҳида амалий машғулот мавзулари билан ёритилган бўлиб, ҳар бир бўлим чуқур ўрганилади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон республикаси табиий-тарихий шароитларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Чўл тупроклари, уларнингпайдобўлишида табиий омилларнинг роли.
3. Оч тусли бўз тупроқлар: келиб чиқиши, морфологияси, географик таркалиши хосса ва хусусиятлари, улардан фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш йўллари.
4. Сур тусли қўнғир тупроқларни келиб чиқиши, морфологияси, географик таркалиши, хосса ва хусусиятлари, унумдорлигини ошириш ва фойдаланиш йўллари.
5. Тақирли ва тақир тупроқлар: келиб чиқиши, морфологияси, географик таркалиши, хосса ва хусусиятлари, фойдаланиш йўллари.
6. Қумли сахро тупроқлари: келиб чиқиши, морфологияси, географик таркалиши, хосса ва хусусиятлари, фойдаланиш йўллари ва унумдорлиги.
7. Бўз тупроклар, уларнингпайдо бўлишида табиий омилларнинг роли.
8. Типик бўзтупроқлар: келиб чиқиши морфологияси, географик таркалиши, хосса ва хусусиятлари, улардан фойдаланиш ва унумдорлиги.
9. Тўқ тусли бўзтупроклар: келиб чиқиши, морфологияси, географик таркалиши, хосса ва хусусиятлари, улардан фойдаланиш ва унумдорлигини саклаш йўллари.
10. Тоғ жигарранг тупроқлар: келиб чиқиши, морфологияси, географик таркалиши, хосса ва хусусиятлари, улардан фойдаланиш ва унумдорлигини саклаш йўллари.

Изоҳ: Фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараёнида ўқув режада кўрсатилган соатларга мос холда танлаб ўқитилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишлаш учун талабаларга ўзбекистон тупроқлари ва уларнинг эволюциясига оид маълумотлар мавжуд бўлган турли адабиётлар тавсия қилинади. Бундан ташкари зарур холларда лабораториядаги мавжуд асбоб ва

ускуналар хам уларни яхши билувчи мутахассис ва ўкитувчи иштирокида талабалар ихтиёрига берилади. Мустакил ишлаш учун бериладиган мавзулар ва ишлар индивидуал характерда бўлиб, талабаларнинг "Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси" фанининг хусусиятларини хисобга олган холда, куйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- Дарслик ва ўкув кўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- Таркатма материаллар бўйича маъруза кисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Талабанинг ўкув, илмий-тадкикот ишларини бажариш билан боғлик бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- Фаол ва муаммоли ўкитиш услубидан фойдаланиладиган ўкув машғулотлари.

Мустакил иш учун куйидаги топшириклари бажариш тавсия этилади:

1. Амалий машғулотларга тайёргарлик.
2. Бўз тупрокларнинг текисликда тарқалган бошка минтака тупрокларидан фарқланувчи генетик белгилари.
3. Чўл минтакаси тупроклари эволюциясининг асосий белгилари, унга таъсир этувчи омиллар тавсифи.
4. Тоғ тупроклар морфологиясини тавсифлаш ва харитасини чизиш.
5. Ўзбекистон худудидаги шўр тупроклар, уларнинг келиб чикиши ва мелиорацияси.
6. Ўлка тупроклари тўғрисида маълумотлар. (Хар бир талаба ўзи яшаган худуд тупроклари тўғрисида реферат ёзади).

Изох: Фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараёнида ўкув режада кўрсатилган соатларга мос холда танлаб ўкитилади. Кўшимча ва ўзгартириш киритиш мумкин.

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Тожиев У. ва бошкалар. Ўзбекистон тупроклари. Тошкент, 2004.
2. Турсунов Л., ТурдиметовШ., Ўрозбоев И. Ўзбекистон тупроклари ва уларнинг эволюцияси. Гулистон, 2004.

Кўшимча адабиётлар:

3. Почвы Узбекистана. Ташкент, Изд-во ФАН, 1975.
4. Комилов О.К. Мелиорация засоленных почв Узбекистана. Тошкент, Изд-во ФАН, 1985.
5. Кимберг Н. Ю. Почвы пустынной зоны Узбекистана. Ташкент, Изд-во ФАН, 1974.
6. Расулов А. М. Почвы Каршинской степи, пути их освоения. Ташкент, Изд-во ФАН, 1976.

7. Турсунов Л. Почвенные условия орошаемых земель западной части Узбекистана. Ташкент, Изд-во ФАН, 1981.
8. Умаров М У. Физические свойства почв районов нового и перспективного орошения Узбекистана. Ташкент, Изд-во ФАН, 1974.
9. Кузиев Р.К. Воха тупроклари, уларнинг тадрижий ривожланиши. Тошкент, ФАН, 1992.
10. Абдуллаев Х. А. Ўзбекистон тупроклари. Тошкент, ТошДУ нашриёти, 1974.

Интернет сайтлари:

11. www.ziyonet.uz
12. www.pedagog.uz
13. www. nuu.uz.
14. www.maik.ru
15. http://e-lib.qmii.uz/ebooks.php - электрон кутубхонаси